

МИЛЛИЙ КОНЦЕПТЛАР ТАДКИКИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИККА ДОИР АСПЕКТЛАРИ

К.Абдимуратова – ўқитувчи

Нөкис шаҳри №22 умумтаълим мактаби

Таянч сўзлар: концепт, лингвомаданиятшunosлик, миллий концепт, концептосфера, когнитив тилшunosлик.

Ключевые слова: концепт, лингвокультурология, национальный концепт, концептосфера, когнитивная лингвистика.

Key words: concept, cultural linguistics, national concept, conceptual sphere, cognitive linguistics.

Инсон муаммоси ҳозирги пайтда оламни билишда, англашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Инсон ва унинг оламдаги ўрни, онгли фаолияти масаласи, муҳокама, учун нафақат инсоният вакили сифатида, балки шахс сифатида англаш каби масалалар тадқиқи билан боғлиқ. Инсон феноменини олам марказига қўйиб ўрганиш, уни оламни тушунишда онгли, фаолиятли омил сифатида тадқиқ қилиш, инсоннинг оламни баҳолаш қобилияти шаклланишини ижтимоий жараён кўринишида ўрганиш антропоцентризм фалсафасининг асосий тамойилини ташкил қилади. Шу сабабли антропоцентрик ёндашув бугунги кун тадқиқотларининг, шу жумладан, тилшunosлигининг ҳам энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки антропоцентризм бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ҳодисадир.

Мазкур мақола фундаментал характердаги мақола бўлиб, биз концепт тушунчасига доир лингвомаданиятшunosлик ва когнитив тилшunosликка аспектларидаги назария ва маълумотларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Инсоннинг одам сифатидаги моҳиятини аниқлаш, В.Гумбольдтнинг фикрича, одамга хос инсоний белгиларини ажратиш демакдир. Тил ана шундай воситалардан бири, одам фақат тил ва онг орқалигина инсонга айланади [5:55,314,349] ва бу жараёнда инсоннинг ижодий қудрати, унинг ички имкониятлари ҳаракатга келади.

Объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг сифати, ҳаракатларини тил эгалари ҳис қилиб, ўзига хос идроки тарзидан келиб чиқиб, қиёслаб номлайди. Ушбу жараён асосида инсон турганлиги ҳам нарсас-ҳодисаларни номлаш ва буларнинг моҳиятини инсондан ажратиб изоҳлаш мантиққа зиддир. Демак, антропоцентрик парадигмада тил-инсон шахсини таркиб топтирувчи асосий унсур ҳисобланади.

Лингвомаданиятшunosликни бугунги кунда тилшunosлигининг жадал ривожланаётган, тилда ўз ифодасини топаётган ва барқарорлашаётган ҳалқлар маданиятини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йўналиш сифатида талкин қилиш мумкин. Н.М.Махмудовнинг ёзишича, “лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб, бунда тил алоҳида миллий менталлигининг ифодачиси сифатида иштирок этади. Бугун лингвокультурология рус ва бошқа хорижий тилшunosликларида алоҳида лингвистик йўналиш сифатида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсифлаш ва ўрганишдан иборат бўлган бу йўналиш ўзбек тилшunosлигида кўпроқ қиёсий аспектдаги изланишларда энди-энди бошланмоқда” [8:51]. Когнитив тилшunosлик лисоний тафаккур фаолияти ва миллий менталитетни муайян шахсга, ижтимоий ёки этник гуруҳларга хос бўлган ҳамда онгдаги когнитив стереотиплар мажмуасига тегишли бўлган, борлиқни идрок қилиш ва тушунишнинг ўзига хос воситаси деб қарайди.

С.Г.Воркачевнинг таъкидлашича, тилшunosлигининг бугунги кундаги тараққиёти ёки антропоцентрик парадигма инсонга «барча нарсаларнинг ўлчовини» берди ва унинг дунёқарашини маълум марказга йўналтирди [4:21, 25].

Ш.С.Сафаровнинг фикрича, когнитив тилшunosлигининг асосий вазифаси инсон онгида кечадиган ментал жараёнларни лисоний фаолият билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир, унинг таҳлил объекти эса билим олиш, уни амалда қўллаш ҳамда узатиш манбаи ва, ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими ҳисобланади [9:11].

Когнитив тилшunosлик табиий ва гуманитар фанлар билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини хорижий ва ўзбек тилшunosлари томонидан таъкидланган. Ш.С.Сафаровнинг таърифида, когнитив тилшunosлик «худди шундай соҳалараро мулоқотнинг маҳсулидир. Бундай мулоқотнинг тез, осонгина, ихтилофларсиз кечиши қийин. Шу сабабли когнитив тилшunosлигининг мустақил йўналиш сифатида таркиб топиши ҳам мураккаб жараён, лисондек ўта мураккаб тадқиқ объектини танлаган ҳар қандай фан соҳасининг мураккаб муаммолар камровида қолиши ҳам муқаррар» [9:5].

Тилшunosлигининг лингвокультурология йўналиши қатор тадқиқотларда қайд этилишича, тилнинг кумулятив функциясига таянади, у орқали муайян бир халқнинг турмуш тажрибалари, олам ҳақидаги тасаввурлари ва оламни билишдаги ҳис-туйғулари лисоний бирликларда ўз аксини топади ва авлоддан авлодга ўтади. Бу концепцияга мувофиқ, тил оламни концепциялаштиришнинг ва инсон тажрибаларини умумлаштиришнинг, олам ҳақидаги билимларни, инсоният ҳаётидаги ижтимоий муҳим тарихий ҳодисаларни сақлашнинг дастлабки шакли сифатида талкин қилинади.

Е.С.Кубрякова тадқиқотларини анъанавий когнитивизм (билим структураларини ва уларнинг турларини асосан мантикий методлар орқали ўрганиш) ва ҳозирги замон тилшunosлигининг мантикий ривожланишини когнитив-дискурсив йўналишларда олиб боришни таклиф қилади: ҳар қандай икки лисоний ҳодиса когниция ва коммуникация тўқнашувидан амалга оширилсагина адекват баён қилинган ва тўлиқ тушунилган ҳисобланади; когнитив тилшunosлигининг мақсади «нафақат ҳар бир лисоний шаклга ўз эътиборини қаратиш, унинг когнитив нусхасини кўчириш концептуал ёки когнитив структураларини ўрганиш эмас, балки берилган мазмун учун бундай «қолип»ни танлаш ёки унинг вужудга келиш сабабларини аниқлашдир» [6:16].

Маданий концепт тушунчасининг вужудга келиши ва тараққиёти, «Тилнинг мантикий таҳлили», «Маданий концептлар» номли илмий мақолалар тўпламларининг чоп этилиши билан бошланди. Бу тўпламларда илк бора маданий концептларнинг лисоний, мантикий таҳлили ва илмий назариялар ҳамда онгнинг фалсафий муаммолари атрофлича ўрганилди.

Концепт атамасини изоҳлашда бугунги кунда илмий матнларда «маданият гени», «маънонинг кўп ўлчамли йиғиндиси», «турмушнинг маъновий кванти» сингари метафораларнинг қўлланилишини кўрамиз. Концепт

атамаси когнитив тилшуносликнинг марказий тушунчаларидан бири сифатида инсон тафаккурининг курилишини, хусусиятларини ўрганувчи кўплаб тадқиқотчилар диққат эътиборини тортмоқда. Концепт муаммосининг фаол тадқиқотлар объекти бўлиб келаётганлигига қарамасдан, у ҳамон долзарблигича қолаёпти ва янгича талкинлар, ёндашувлар пайдо бўлмоқда.

Е.В.Бабаеванинг фикрича, лингвомаданий концепт социумнинг кадриятлари акс этувчи онг тизимида вазифага киришади. Лингвомаданий концептнинг марказини доимо кадриятлар ташкил қилади. Когнитив тилшуносликда концепт типларига, уларнинг тизимли таркибига ва ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор берилади. Лингвомаданийшунослик жамият кадриятларига йўналтирилган мўлжалларини аниқлашга интилади [3:110-111].

Шундай қилиб, лингвокултурология мажмуавий йўналиш бўлиб, маданият ва тилнинг ўзаро муносабатларга киришувини, ўзаро бир-бирларига таъсири жараёнини, функционал хусусиятини ўрганади, бу жараёни тизимли методлар ёрдамида замонавий методларга асосланган ҳолда тадқиқ қилади.

Тилшуносликда «концепт» атамаси ҳақида олимлар томонидан турлича илмий талкинлар мавжуд бўлиб, улар ўта абстрактлик, моҳиятан турли хил мавжудликка эга эканлиги билан изоҳланади. Лекин В.А.Маслова томонидан концепт ҳақида айтилган таъриф «концепт» моҳиятини аниқроқ акс эттирган, яъни «концепт лингвомаданий ўзига хосликка эга, маълум бир этномаданият вакиллари у ёки бу тарзда тавсияловчи семантик тузулм» [7:50].

Лингвомаданий концептлар билан когнитив концептларнинг фарқлари ажратилади. Лингвокултурология йўналишида фаолият олиб бораётган тилшунослар учун концепт маълум лисоний маданиятнинг ўзига хослиги белгисидир ва бу белгилар борлик нарса ҳодисаларнинг ҳар бир миллат, элат турмуш тарзи, яшаш эҳтиёжи, маданиятига мос ҳолда идрок этилиши ва категориялаштирилишига боғлиқ. Когнитив лингвистикада эса концепт тил бирликларининг маъноси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади ва шунга биноан тафаккур бирлиги сифатида қаралаётган концептни қолиплаштиришда тил бирликларига таянилади [10:283]. Концепт маркази ҳар доим муҳим тушунчадан ташкил топади, чунки концепт маданиятни тадқиқ қилишга хизмат қилади, маданият асосида эса айнан кадриятлар тамойили ётади. Когнитив концепт, ўз ўрнида, инсон

тафаккурининг маҳсули ҳисобланади.

Концепт ўзида мантиқшунослик, психология, тилшунослик ва фалсафа фанларининг ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлигини акс эттиради. Аниқроғи, концепт кўп қиррали, интегратив, яъни логик – лингвистик – гносеологик атама ҳамдир [1:49; 2:112]. Концепт тафаккур бирлиги ҳисобланиб, унинг асосида тушунча, маъно ва образ ётади ҳамда у билим умумлашмаси ёки «кванти» деб аталади. У юксак даражадаги мазмуний умумийликка эга [11].

«Мана» - «адам» концептосферасининг олам лисоний манзарасидаги ўрнига доир ҳодисалар таҳлили лингвомаданий концептнинг структурасида учта компонент мавжудлигини кўрсатди. Яъни маданий кадриятга доир элементлар, фактуал ва образли элементлар. Концепт ҳақидаги маълумотлар, унинг аниқ фактларга доир элементлари хотирада вербал шаклда сақланади ва шу сабаб у нутқда бевоқифа қайта акс этиши мумкин, образли элемент эса новербалдир, уни фақат тасвирлаб ифодалаш мумкин. Концептлар мажмуи концептосферани ташкил қилади.

Билдирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, маданият мураккаб ҳодиса бўлиб, у нафақат жамиятни, балки муайян маданият соҳиби бўлган алоҳида шахснинг баҳоловчи мўлжаллари тизимини белгилайди. Бунда ҳар қандай маданият ўзининг тилдаги ноёб ифодасини топади. Тилнинг фақат шаклини ўзлаштириш, унинг маданий қисмини ҳисобга олмаслик, ўқувчиларнинг хусусий маданият нормалари билан чекланиб қолишларига олиб келади ва натижада ҳар иккала тил соҳиблари ўртасида ўзаро тушунмовчилик туғилади. Турли маданиятларга мансуб тилларда ўқувчиларнинг лингвистик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маданиятлараро мулоқотни оптимал боғлаш учун улар маданиятлараро мулоқат қобилиятини эгаллашлари лозим бўлади. Бундай қобилият алоҳида табиатга эга. У нафақат турли маданиятларнинг ўзига хос хусусиятларини, балки уларнинг ўзаро муносабатларини англайдиган маданиятлар учрашувини таъминлайдиган лисоний шахсгагина хос. Маданиятлараро мулоқот – бу шундай бир қобилиятки, у лисоний шахсни ўз маданияти қобиғидан чиқиб, миллий маданий бирликларини йўқотмаган ҳолда, коммуникатив фаолият билан шугулланишини кўзда тутати. Бинобарин, бундай компетенцияни шакллантириш, ўз навбатида, турли ўқув предметларини, шунингдек, лингвомаданий концептнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур англаш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Evens V., Green M. Cognitive Linguistics: An Introduction. Edinburgh: Edinburgh University Press. 2006. -851 p.
2. Waciewicz S. Concepts as Correlates of Lexical Labels: A Cognitivist Perspectives. – Frankfurt: Peter Lang, 2015.
3. Бабаева Е.В. Лингвокультурологические характеристики русской и немецкой аксиологической картине мира: Дисс. ... док. филол. наук. – Волгоград: 2004. –С. 438.
4. Воркачев С.Г. Лингвокультурный концепт: типология и области бытования. Волгоград: ВГУ, 2007. –С.403.
5. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. –Москва: «Прогресс», 1984. –С. 398.
6. Кубрякова Е. С. Язык и Знание: На пути получения знаний в языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. Москва: Языки славянской культуры, 2004. –С. 560.
7. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. – Москва: «Флинта –Наука», 2007. –С. 296.
8. Махмудов Н.М. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб//Ўзбек тили ва адабиёти. - Т.: 2012. № 5.
9. Сафаров С.Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: «Сангзор», 2006. 90-б.
10. Сафаров Ш. Семантика. – Ташкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013.
11. <http://arslonov.blogspot.com>

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақола фундаментал характердаги мақола бўлиб, автор концепт тушунчасига доир лингвомаданиятшунослик ва когнитив тилшуносликка аспектларидаги назария ва маълумотларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Мақолада хорижий ва маҳаллий тилшунос олимларнинг фикрлар ўрганилган ва мисоллар билан таърифланган.

РЕЗЮМЕ. Данная статья является фундаментальной, и мы попытались проанализировать теорию и данные о понятии авторский концепт с позиций лингвистики и когнитивной лингвистики. В статье рассматриваются мнения зарубежных и отечественных лингвистов и приводятся примеры.

SUMMARY. This article is a fundamental article, and we tried to analyze the theory and data on the concept of author concept from the aspects of linguistics and cognitive linguistics. The article examines the opinions of foreign and local linguists and describes them with examples.